2003 YIL 3 IYUL, PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№84 (6.609). Sotuvda erkin narxda

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида

**Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани, бу жараён халқаро миқёсда эътироф этилаётганини, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бугунги кун даражасини ҳамда келгуси тараққиёти омилларини инобатга олган ҳолда, жаҳон амалиётида қўлланилаётган юқори технология ва илғор фан ютуқлари асосида истиқболли ёш педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва тажриба алмашувини таъминлаш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси билан «Устоз» республика жамғармаси бирлаштирилсин ва уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси ташкил этилсин. Жамғарма бошқаруви таркиби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, тасарруфида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қатор қўшма корхоналар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг жамғармага ҳомийлик қилиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин. Ҳомийлар рўйхати тасдиқлансин.

Ҳомийлар таркибини чет эллик иштирокчилар ҳисобига кенгайтириш ҳақидаги таклифларни кўриб чиқиш Жамғарма бошқаруви зиммасига юклатилсин.

3. Қуйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини, фан, педагогика ва иқтисодиётимиз тармоқларининг ривожланиши даражасини жаҳоннинг энг илғор илмий изланишлар ва юқори технология ютуқлари даражасига кўтариш, Ўзбекистонда чуқур тарихий илдизларга эга ва республикамиз тараққиёти учун муҳим бўлган илм-фан йўналишларининг барқарор ривожланишини таъминлашда фаол иштирок этиш;

дунёда эътироф этилган нуфузли олий таълим ва илмий марказлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш, ўзаро манфаатли илмий тадқиқотлар ва изланишларни ташкил этиш орқали истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар истеъдодининг очилиши ва юксалишига кўмак бериш;

мамлакат олий таълим ва илмий муассасаларида педагогик ва илмий фаолият борасида муайян ютуқларга эришган, илмий изланишларни бошлаган, юксак ижодий салоҳият ва қобилият соҳиблари бўлган истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг истеъдодини ривожлантириш, уларнинг Жамғарма грантлари асосида тараққий топган давлатларнинг илғор таълим ва илмий муассасаларида назария ва амалиётнинг замонавий йўналишлари бўйича малака ошириши ҳамда мақсадли тажриба орттиришига, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун устувор йўналишлар бўйича билимини чуқурлаштиришига, прогрессив илмий изланишларда иштирок этишига кўмаклашиш;

ҳомийлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий сармоядорларнинг инвестицияларини ёш педагог ва илмий кадрлар билимларини чуқурлаштириш ва малакасини ошириш жараёнига фаол жалб қилиш;

истеъдодли ёш педагог ва илмий кадрларнинг замонавий илғор билимлари, жаҳон даражасидаги илмий ва технологик тажрибасини мамлакатимиз амалиётига татбиқ этишни таъминлаш, уларнинг педагогик ва илмий фаолияти мониторингини узлуксиз олиб бориш.

4. Жамғарманинг низоми ва тузилмаси тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ва «Устоз» республика жамғармасининг ҳуқуқий вориси деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ва «Устоз» республика жамғармаси бир ой муддатда белгиланган тартибда ўз ихтиёридаги асосий фондлар ва молиявий маблағларни «Истеъдод» жамғармаси балансига ўтказсинлар.

6. Жамғарма солиқлар, тўловлар ва божларнинг (божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлар бундан мустасно) барча тўловларидан ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган мажбурий тўлов ва йиғимларни тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинсин.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки ҳомийлик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказиладиган маблағлари соликқа тортиш базасидан чиқарилади.

7. «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситаларига Жамғарма фаолиятини кенг кўламда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Жамғармани алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси ҳамда имтиёзли Интернет тармоғи билан таъминласин.

9. Жамғарма Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 171-уйдаги бинога жойлаштирилсин ва ушбу бино Тошкент давлат иқтисодиёт университети балансидан Жамғарма балансига ўтказилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига Жамғарманинг биносини 2003 йил 1 ноябригача таъмирлаш юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694 сонли фармони ва 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869 сонли фармонининг 4-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 22-сонли ва 1997 йил 30 декабрдаги 576-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Худайбергенов ва Т.Рисқиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 июль

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

- **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида Бош вазир ўринбосари Р.Азимов ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси раҳбари Э.де Врайер иштирокида Ўзбекистон ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.**
- **Бадиий академиянинг Замонавий санъат марказида Муҳаммад Нуриддиновнинг шахсий кўргазмаси ташкил этилди.**
- **Андижондаги 27-сонли ўрта мактабда бўлиб ўтган футбол турнирида вилоят марказида жойлашган фуқаролар йиғинлари шарафини ҳимоя қилган 30 та маҳалла терма жамоалари иштирок этди.**
- **Республика тил ўрганиш марказида инглиз тили ўқитувчиларининг малака ошириш курсларида машғулотлар бошланди.**
- **Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ҳузуридаги Меҳр-шафқат касб-ҳунар коллежида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.**
- **Когон ва Конимех тумани ғаллакорлари давлатга дон сотиш шартнома-режасини бажарди.**
- **М.Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри жамоаси Оролбўйида ижодий сафарда бўлди.**
- **Нукус шаҳрининг 70 йиллиги ва Обод маҳалла йилига бағишлаб «Маҳалламиз баҳодирлари» спорт-шоуси ўтказилди.**
- **Республика Олимпия захиралари коллежида спорт гимнастикаси бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақалар спорт усталари ва спорт усталигига номзодлар ўртасида ташкиллаштирилди.**
- **Хатирчи туманида йигирмадан ортиқ қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Яқинда уларнинг сони яна биттага кўпайди. Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалигида беш минг аҳолига хизмат кўрсатадиган шифохона фойдаланишга топширилди.**



***Бетакрор ижро, том маънодаги санъат кишини руҳан юксалтиради. Шу боис истеъдод эгалари билан қанча фахрлансак арзийди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Роза Кутякеева ана шундай ардоқли санъаткорларимиздан бири.***
***СУРАТДА: Роза Кутякеева.***
Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## ВАТАН КАБИ АЗИЗ ТИМСОЛ

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганига 11 йил тўлди.***

Мамлакатимиз парламенти 1992 йил 2 июлда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонунда Давлат герби мустақиллигимиз рамзи экани ҳуқуқий асосда мустаҳкамлаб қўйилиши билан бирга, унинг қандай кўринишга эгалиги яққол ифодалаб берилган.

Давлатимиз гербида халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини топган. Унда тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари қийғос очилган оппоқ пахтадан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради.

Гербнинг юқори қисмида саккизбурчак, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз, марказида Ҳумо қуши тасвирланган. Пастки қисмида юртимиз Давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Мамлакатимизда давлат рамзлари, шу жумладан, Давлат герби ҳам қонун билан муҳофаза қилинади. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ҳамюртларимизнинг Ватан тимсолларини бундай эъзозлаши, Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, демакдир.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## УЛАР АМЕРИКАГА БОРИШАДИ

***Президентимиз 2002 йил Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишда фермерларни ривожланган мамлакатларга малака оширишга юбориш вазифасини қўйган эди.***

Орадан кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, бир гуруҳ фермерлар Туркия ва Ҳиндистонда бўлиб, хорижлик фермерлар тажрибасини ўрганиб қайтишди. Куни кеча 6 нафар фермерларимиз эса АҚШда 12 ойлик малака ошириш учун жўнаб кетишди. Шу муносабат билан фермерлар ва ташкилотчилар иштирокида сафар олди матбуот анжумани ўтказилди. Хорижга кетаётганлар ва ташкилотчилар билан суҳбатлашдик.

*Баҳодиржон Узоқов, Янги юқори технологиялар маркази раҳбари:*

-Марказимизнинг ташкил этилганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида муайян натижаларга эришиб келяпмиз. 12 нафар фермер хўжалиги аъзолари танловдан ўтди. Ҳозир улардан олти нафари АҚШ Давлат Департаментининг Р-4-5927 Дастури бўйича 12 ойга малака оширишга жўнатилмоқда. Дастур Янги юқори технологиялар маркази ва KELI Global Group Inc. ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Кейинги ойга эса қолган 6 нафар фермерларимиз ҳам юборилади. Маблағ фермер хўжалигининг ўз ҳисобидан ёки ҳомийлар орқали тўланади. Айни кунларда 9 нафар фермерларимиз Американинг турли шаҳарларида малака оширишмоқда. Бу эса Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг яна бир намунаси.

*Одил Бобоназаров, қамашилик чорвадор:*

-22 ёшдаман. Висконсин штатининг Медисон шаҳрига жўнаб кетаяпман. Боргач, астойдил иш ўрганаман, дўстлар орттираман. Очиғи, шундай шароитни яратиб бераётган давлатимиз раҳбарига ва бошқа ташкилотчиларга алоҳида миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

**ИСЛОҲОТ**

*Суҳроб Солиев, Ўрта Чирчиқ тумани, "Бура Ота" фермер хўжалиги ишчиси:*

-Бир йил - иш ўрганиш, тажриба орттириш учун етарли муддат. Мен Индиана штатининг Менли шаҳрига жўнаб кетаяпман. Ниятим АҚШ қишлоқ хўжалиги билан яқиндан танишиш. Билишимча, у ерда боқилаётган сигирларнинг ҳар бири 305 кун ҳисобида 12 минг литрдан сут берар экан. Бу биздаги сигирларникидан икки-уч баробар кўп дегани. Нима учун шундай? Борганимда албатта шу нарсани чуқур ўрганаман.

*Дониёр Солиев, наманганлик чорвадор:*

-Инглиз тилини билишим мана энди асқотади. Чикагога боргач, албатта, у ердаги фермерларга юртимиздаги ислоҳотлар ҳақида инглиз тилида гапириб бераман. Бунга билимим етади.

*Ориф Раззоқов, Қарши туманидаги "А.Турдиева" фермер хўжалиги ишчиси:*

-Миннисота штатидаги Петерсон шаҳрида иш ўрганиш насиб этди. Орзу-ниятлар бир олам. Иш ўрганишим аниқ, аммо америкаликларга ҳам ўзбекона лутф қилиш ниятим бор. Имкон туғилса, пазандалик билан. Масалан, палов тайёрлаб. Бу таом хорижлик дўстларимга маъқул келади, деб ўйлайман.

*Улуғбек Муҳаммадиев, Каттақўрғондаги "Наврўз" фермер хўжалиги аъзоси:*

-Ҳаммамизнинг ҳам ниятимиз битта. Хориж тажрибасини ўрганиб келиб, юртимизда жорий этиш. Бундан ташқари, мен инглиз тилини чуқур ўрганиш ниятидаман. Тил билган эл билади-да.

*Баҳодир Холияров, чироқчилик чўпон:*

-Шу пайтгача хорижда бўлмагандим. Мана энди жўнаб кетаяпмиз. Яна, қайга денг, ривожланган Америка Қўшма Штатларига. Ниятларим э-э-ҳе... Яхшиси, қайтиб келганимдан кейин ҳаммасини айтиб бераман. Ҳозир, очиғи ҳаяжондаман...

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

***ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Б.ХИДИРОВА). Темурийлар тарихи давлат музейида «Марказий Осиё: цивилизациянинг тараққиёт йўллари» мавзуидаги халқаро илмий анжуман бошланди. Уни Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти, Осиё маданияти ва тараққиёти институти (IACD) ҳамкорликда ташкил этди.***

Марказий Осиёда маданият, санъат, илм-фан, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа жабҳалар қадимдан ривожланиб келган. Мазкур минтақада кечган тараққиётда халқимизнинг улкан ўрни бор. Республикамиз ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар, тарихчи олимларнинг изланишлари натижаси буни яққол исботлайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тарихимизни холисона ўрганиш ва уни кенг оммага етказишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Барча жабҳаларда бўлганидек, илм-фан соҳасида ҳам кўзланган натижага эришишда халқаро ҳамкорлик яхши самара беряпти.

Икки кун давом этадиган мазкур халқаро анжуманда юртимизда фаолият юритаётган тарихчи, шарқшунос, санъатшунослар Корея Республикаси, Япония, АҚШ, Германия каби мамлакатлардан келган олимлар билан Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланиш истиқболлари ва муаммолари, Марказий Осиёда илк цивилизация тараққиёти, мамлакатимизда давлатчиликнинг шаклланишида маданият ва санъатнинг ўрни сингари мавзуларда фикрлашади.

## АСРЛАРНИ ТУТАШТИРГАН ТАСОДИФ
### ҲОЖИХОН ҲОФИЗНИНГ ҲАЗИЛИ

***1970 йилларнинг охирида қайсидир тантана муносабати билан таниқли ёзувчи Ҳамид Ғулом Хоразмга ташриф буюрди. Шундан бир-икки кун олдин марказий нашрлардан бирида у кишининг "Кўнглима бир гул ғамидин" деб бошланувчи Мунис ғазалига мухаммаси эълон қилинган эди.***

Адиб билан бир пиёла чой устида суҳбатимизни ўйлаб кўнглим ёришиб кетди.

**МАЪНАВИЯТ**

Ҳамид аканинг газетада эълон қилинган ушбу янги мухаммасини бирон бир ҳофиз ижро этса, меҳмон учун муносиб туҳфа бўлар эди, деган фикр кўнглимдан ўтди. Хаёлимга беихтиёр қўшним, машҳур ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон ака Болтаев келди, аммо анча кексайиб қолган ҳофиз ҳажман каттагина шеърни бир кунда ёдлаб айта олармикан, деган андиша қароримни андак сусайтирди. Шундай бўлса ҳам бир уриниб кўриш мақсадида тушлик пайти Ҳожихон аканинг уйига бордим. Ҳофиз уйда экан, устига-устак кайфияти ҳам яхши.

(Давоми 4-бетда)

**ТАҲЛИЛ**

## ДЕҲҚОН МАНФААТИДА ЮРТ ОБОДЛИГИ

***Олдинлари режа изидан қувиларди. "Зарар кўрсанг кўравер, "план"ни бажар!.." дейиларди. Хўжаликми, туманми, йил бўйи ишларди, "план"ни дўндирарди, лекин йилни миллион-миллион сўм зарар билан якунларди.***

Қизиқ-да, деҳқон бир йил ишлаб, пешонасидан тер тўкиб заҳмат чекиб, режани 130 фоизга бажариб, "анча пул оламан" деб келса-ю, ҳисобчи унга "қарздор бўлиб чиқдингиз" деса. Эндиликда бунга чек қўйилди. Деҳқон ишладими, шунга яраша ҳақини олиши керак. Ислоҳотларнинг мантиғи-ю, мақсади шу. Икки йилдирки, вилоят соф фойдага таянмоқда. Далилларга мурожаат қилайлик.

Пахтачилик оғир соҳа. У 120 минг гектарга экилади. Жуда катта майдон. 2002 йилдан пахтачиликда туб бурилиш бошланди. Вилоят 47 миллиард 628 миллион сўм даромад қилди.

(Давоми 2-бетда)

## БИР ҚАМЧИ САБОҚ БЎЛСИН

***Гиёҳванд моддалари савдоси билан шуғулланиб қўлга тушган кимсалар қонунга мувофиқ тегишли жазоларга тортилиши ўз-ўзидан маълум. Аммо, уларнинг аянчли қисмати бошқалар учун тўлақонли ибрат бўлмаётгани ташвишга солади, кишини.***

Биз қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам ён-атрофдан тегишли хулоса чиқара олмаётган айрим кимсалар ҳақида. Дастлаб қисқача тафсилот билан танишиб ўтайлик.

Мавлуда Маманова Ургут туманининг

**ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

Зарафшон ширкат хўжалиги Сарой қишлоғида яшайди. Ёши 36 га бориб-бормаган. Беш нафар қоракўзнинг онаси... Агар ақл билан иш юритганида, аёл деган покиза номга доғ туширмаган, алалоқибат яқинлари орасида боши ҳам бўлиб қолмаган бўларди.

Бироқ, нафс сиртмоғи одамзотнинг бўғзига илинса, ёмон экан. Билмадик, у оғуфурушликни сал илгарироқ ўзига касб қилиб олганмиди, ё эндигина бу соҳада омадини синамоқчи бўлдими, ҳар ҳолда шайтон қандай қилиб йўлдан урганини сезмай қолди-ёв.

(Давоми 2-бетда)

**МАВСУМ**

## НАМАНГАН ТУМАНИ: ҲАРАКАТ ВА БАРАКАТ

***Маслаҳат бўйича мавзуни пахта ва ғалладан олишимиз лозим эди. Аммо туман ҳокими йўналишга бирмунча тузатиш киритди.***

-Икковиям бўлиб юрган, насиб қилса, бу йил ҳам кўнгилдагидай бўлади. Лекин кўп нарса одамларга, уларнинг кайфиятига, шижоат ва ташаббусига боғлиқ, афсуски, бу омилларни аксарият ҳолларда унутиб қўямиз, - деди Мўминжон Жўраев. – Ваҳоланки, ташаббускор, изланувчан кишилар доим замондан ўзиб кетадилар, эртанинг, индиннинг воқелиги билан яшайдилар. Бундай ҳолларда раҳбарнинг вазифаси уларни қўллаб-қувватлаш, холос. Февраль ойида мени Хўжақишлоқдаги Охунбобоев номли мактабга таклиф қилиб қолишди...

Хуллас, ҳоким айтмоқчи бўлган гапларнинг индаллоси шу: қишлоқда етмиш йилча бурун хом ғиштдан қурилган мактабнинг биноси путурдан кетган. Собиқ ўқувчиларнинг маслаҳати пишади:

-Шу даргоҳда ҳарф танидик, ўқидик, одам бўлдик, пул-мол топдик. Янги мактаб қурамиз! – аҳд қилишади улар.

(Давоми 3-бетда)

## ЖЎМРАКДАН ОҚАЁТГАН СУВ

***Бухоро тумани "Чорбакр" ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи Азим Авезов шу йилнинг ўтган беш ойида ичимлик сув ҳақидан 3 минг сўм тежаб қолди. Хонадон аъзолари сув ўлчагич ўрнатилгандан сўнг оби-ҳаётни ҳуда-беҳуда сарфлашга чек қўйишди. Беш ойда атиги 40 кубометр сув сарфлангани истеъмолчига анча арзонга тушиб, у нормадаги 4638 сўм ўрнига борйўғи 1200 сўм тўлади.***

-Сув ўлчагич ўрнатилган хонадонларда ҳам маблағ, ҳам сув тежаб қолинаётганига оид мисоллар жуда кўп, - дейди вилоят "Сувоқава" ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг эксплуатация бўйича ўринбосари Олим Воҳидов. – Мана бир мисол, Бухоро шаҳридаги Моҳи Хоса мавзесида яшовчи Нарзулла Жўраев ўтган беш ойда норма бўйича белгиланган 4159 сўм ўрнига 1140 сўм ҳақ тўлади.

**АТТАНГ**

(Давоми 2-бетда)

### ҲИКМАТ

*Барча яхшиликлар уйнинг ичкарисида, унинг калити ҳамжиҳатликдадир. Барча ёмонликлар ҳам уй ичкарисида. Унинг калити эса такаббурликдир.*

Юсуф бин Ҳусайн РОЗИЙ

"ҒАЛЛАБАНК" – ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

**КЕЛГУСИ СОНДА:** ҚАРИНДОШГА ҚИЗ БЕРМАНГ | ҲАЛҚАЛАР | РЕФЕРАТ ЁЗИШНИ ИСТАМАЙМАН




## ҚЎШНИНИНГ "ҲАҚИ"

***Шуҳрат аканинг уйида буюмлар йўқола бошлади. Ҳали қозон, ҳали челак, қўйингки овқатга ишлатилаётган банкадаги сарёққача ғойиб бўлаверди. Охири пичоқ суякка тақалиб, эр-хотин ўғрини тутишмоқчи бўлишди.***

-Сиз ишга бормай уйда қоласиз. Мен устингиздан қулфлаб кетаман. Пойланг-чи, ким экан ўша ер юткур, - деди хотин.

Хотинининг гапи Шуҳрат акага ҳам маъқул тушди. Шундай қилиб у қулфланган уйда қимирламай ётиб ўғрини пойлади.

Орадан икки соат чамаси вақт ўтди. Ўғридан эса дарак йўқ. Шуҳрат ака зерикиб ҳовлига чиққанда томорқа томондан келаётган одам шарпасини сезиб қолди. Дарҳол четга чиқиб ўғрини кузата бошлади. Не кўз билан кўрсинки ён қўшниси - Лочинтой...

Ўғри ҳовлида уёқ-буёққа юрди. Сўнг ошхонага ўтиб, катта алюмин чойнакни олиб, келган томонига қайта бошлади.

Шу пайт Шуҳрат ака оёқ учида юриб яширинган жойидан чиқди:

-Э, келинг, қўшни... шу арзимаган чойнакни деб девор ошиб ўзингизни қийнаб юрибсизми? Сўрасангиз ҳам...

Ўғри ҳам бўш келмади:

-Ота-боболаримиз қўшнининг қўшнида еттидан бир ҳақи бор, деганлар. Шу арзимаган нарсани сўраб ўтирадими дебман-да.

Шуҳрат ака унинг жавобини эшитиб оғзини очиб турганида, Лочинтой чойнакни кўтарганича бир сакраб девордан ошиб, ҳовлисига ўтиб олди.

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ.**

## "ТОМОША"

***Қоратепа аҳли мард, серандиша, бардошли бўлади. Аммо ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор. Аввалига Ҳожиакбарнинг "Жамила" билан саҳнада кечаётган асалдай "турмуши"га оғу соладиган патаксоқол бир бой пайдо бўлди.***

Йигитлар у бадкирдорга қарши бир зарбада ҳўкизни қулатадиган муштларини дўлайтиришди, тишлар ғижирлади, лекин чидаб ўтирдилар. Икки номард Ҳожиакбар (яъни Ғофир)ни дўппослай бошлагач, пичоқ суякка қадалди. Келбати арслондай Зокир дов ҳайқирди:

-Ҳой халойиқ, орият борми сенда!? Икки шаҳарлик битта қоратепалигингни ўлдириб қўйгунчаям мўлтайиб тураверасанми?

Ярим томошабинни жин урган экан, қорнини ушлаб хохолагани тушди. Қолган ярми эса гувраниб жунбушга келди:

-Рост-да, қоратепалик одам эмасми?

Юраги тўлиб, кўзларидан ёш қуйилган Зокир дов гурсса-гурсса юриб саҳнага чиқиб борди. Беш-олти шўринг қурғур актёрни у ёқ-бу ёққа улоқтирди. Сўнг Ҳожиакбар фожиасига сабабкор бўлган "Солиҳбой"нинг гирибонидан тутиб, шартта "соқоли"ни юлиб олди:

-Ҳа-а, хотинбоз, кўзингга қўлимни тиқиб олайми? Бу ерни Қоратепа дейдилар. Аҳмад кўса акамнинг ўғлига тағин у-бу десанг...

-"Кўса" деган тилгинанг кесилсин! – томошабинлар орасидан овоз берди Ҳожиакбар ҳофизнинг отаси.

**Рустамжон УММАТОВ.**

## "МУЛОЗАМАТ"

***Кечагина узоқ сафардан қайтган Собир суюқ дарвозаси олдидаги супачада, офтобрўяда тобланиб ўтирган Рашид бувани кўрди-ю, шартта бу томонга қайрилди.***

-Ассалому алайкум, отагинам! Бардамгинамисиз? Қариянинг оҳиста ўрнидан қўзғалаётганини кўриб шартта елкасидан босди.- Э, йўқ-йўқ, бахузур ўтираверинг, соғлиғингиз жойидами, кайфиятлар?

-Шукр болам, - дея отахон яна ўрнидан турмоқчи бўлди.

-Э, ўтираверинг, отагинам, ҳечам ортиқча мулозаматнинг кераги йўқ. Яхшигина ўтирибсизми, ахир. Кампирингиз тузукмилар?

-Раҳмат, ўзинг...

-Оббо, ўтиринг дедим-ку. Сизни мана шу такаллуфингизга борман-да, отам! Қалай, неваралар чопқиллаб юришибдими. Шўхлик қилиб сизни қийнаб қўйишмаяптими?

-Йўғ-э, мен...

-Ў, жа қизиқ одамсиз-да, ўтиринг дедим-ку сизга, кекса одамсиз. Ҳурматингиз бор. Туриб сўрашишнинг ҳечам ҳожати йўқ. Ҳа энди бизлар ёш нарса, тик турсак ҳам бўлаверади. Лекин, отагинам сизни, яқинларни, қўни-қўшниларни роса соғинибман. Уф... ўтиринг дедим сизга, неварангиз тенги одаммиз. Э, отагинам-а, бизам дунё кўриб қўйдик-да. Ўрисларни юртидаям икки ой туриб қайтдим. Роса зўр жойлар экан. Сизниям бир оборсам бўларкан-да, айланиб келардингиз? Вой ўтиринг-э!

-Инсофинг борми, ўзи, тоқати тоқ бўлиб ўшқириб берди Рашид бува, – таҳоратим қистаганига ярим соат бўлди, оғзинг тинмай гапирасан. Нарёққа ўтиб келгани қўясанми, йўқми, барака топгур!

**Рустам ЖАББОРОВ**

## "АКАМ ЭКАНСИЗ-КУ..."

***Искандаров туманга эндигина раҳбар бўлиб келган кунлари хўжаликлардан бирининг идорасига қўнғироқ қилиб, раисни йўқлайди. Гўшакни кўтарган кишига "Мен Қўзи Искандаровман, сиз кимсиз?", деди.***

"Мен хўжалик котиби Қўчқор Искандаровман", деди суҳбатдоши. Бундай жавобдан ўйланиб қолган Қўзи ака жаҳл билан иккинчи бор ўзини таништириб, унинг кимлигини сўрайди. Яна ўша жавоб такрорланади. Шундан сўнг биринчи котиб машинага ўтириб, хўжаликка йўл олади.

Қабулхонада ўтирган ёшгина йигит сакраб ўрнидан туради ва пешвоз чиқади. Раиснинг дала айланиб кетганлигини, ўзининг котиблиги ва исми Қўчқор Искандаров эканини айтади. Шунда Қўзи Искандаров қўрқибгина турган йигитга кулимсираб қараркан "Қўлингни бер, ўзинг ёш бўлсанг ҳам менга ака экансан-ку", дейди. Бундай самимиятдан Қўчқорнинг кўнгли тоғдек кўтарилади.

**Ўктам ҚУРБОНОВ**

# ЖЎМРАКДАН ОҚАЁТГАН СУВ

(Боши 1-бетда)

Шундай экан, уйида ўлчагич асбоби ўрнатмай, сувдан фойдаланиб юрган хонадон эгаларининг бу борадаги эътиборсизлигини тушуниш қийин. Вилоят бўйича айни дамда марказлашган сув тармоқларидан фойдаланаётган 79 минг 830 та мижоз бор. 1 июн ҳолатига кўра 25 минг 999 та хонадонга сув ўлчагичлар ўрнатилган. Бу жами мижозларнинг 32,6 фоизини ташкил этади.

Яна бир нечта рақамга эътиборингизни қаратмоқчимиз, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июнда қабул қилинган 280-сонли қарори ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган дастурга асосан аҳоли хонадонларида сув ҳисоблагич асбоблари ўрнатиш ишлари ҳозир давом эттириляпти. Ўтган беш ойда режага мувофиқ, 4913 та шундай асбоб ўрнатилиши керак эди. Амалда эса 3 минг 660 дона ўлчагич ўрнатилди. Бу режанинг 75 фоизини ташкил этади. Бошқарма мутахассисларининг билдиришларича, Когон шаҳрида бу борада сусткашликка йўл қўйилмоқда. Белгиланган режа 27,9 фоизга бажарилган, холос. Эҳтимол, сув ўлчагич асбобларини топиш муаммодир? Йўқ, ҳамма гап маблағда. Ахир, пул бўлса, чангалда шўрва-ку. Афтидан, Когонда шу йўналишдаги тушунтириш-ташвиқот ва ташкилотчилик ишлари суст. Акс ҳолда, Когондек саноати ривожланган шаҳарда бу муаммо юзага келмаган бўлур эди.

-Баъзи қишлоқ туманлари, айтайлик, Галаосиёда ичимлик сувни челакда ташиб келаётган фуқароларга дуч келдик. Нима сув тармоғи издан чиққанми? – дея ўсмоқчилаб сўраймиз О.Воҳидовдан.

-Бунинг сабаблари кўп, - дейди у. – Сув қувурлари, насосларини ишлатиш жараёни маълум бир тартибга риоя қилишни тақозо этади.

-Сув ҳақини ўз вақтида тўламаслик ҳам ишимизда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда, - дейди бошқарманинг шаҳар саноат корхоналари бўлими бошлиғи Бахшулла Темиров. – Масалан, биргина "Бухоро ипаги" ҳиссадорлик жамияти сув ҳақидан 27 миллион 500 минг сўмдан зиёд қарздор. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қарашли "Нефтчи" болалар оромгоҳи, "Бухороғишт" ҳиссадорлик жамияти, Бухоро туманидаги қатор ширкат хўжаликлари ҳам сув ҳақини тўлашни пайсалга солишяпти. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Аҳолининг ҳам ичимлик суви бўйича қарзи 85-90 миллион сўм атрофида экани ҳисобга олинса, вазият анча мураккаблиги аёнлашади.

-Бухоро вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича тузилган лойиҳага мувофиқ соҳада кенг қамровли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади, - дейди Олим Воҳидов. – Гап Вазирлар Маҳкамасининг айнан шу масалада ўтган йилнинг 26 февралида қабул қилган қарори ҳақида бораяпти. Тармоққа хориж сармояси киритилмоқда.

Дарҳақиқат, Испания қироллиги томонидан босқичма-босқич ажратилиши назарда тутилган 16,2 миллион евро миқдоридаги кредит эвазига Қуйимозор насос станцияси, "Зарафшон" ва "Шоҳруд" сув тозалаш иншоотлари, Когон ва Олот шаҳарларида замонавий сув насослари ўрнатилади. Ҳозир шундай ускуналарни харид қилиш учун Испания ва Франциядаги тегишли компаниялар ҳисоб рақамига 3 миллион 26 минг 245 евро ва 601 минг 995 евро миқдорида маблағ кўчирилган. Қурилиш-монтаж ишлари эса давлат ва маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади. Бинобарин, яқин 2-3 йилда Бухорода сув таъминоти кескин яхшиланади, дейишга асос етарли. "Фақат истеъмолчи ўз бурчини унутмаса бас", дейишмоқда бошқарма мутасаддилари.

Дарвоқе, бошқармадан қайтаётиб, дарвозаси олдида шахсий автомашинасини ичимлик сув билан ювиб турган фуқарога кўзимиз тушди. Афтидан, у хонадонига ўлчагич ўрнатмаган. Акс ҳолда водопровод жўмрагини бамайлихотир очиб қўймасди. Қизиқ, бу фуқаро бир куб метр ичимлик сувини қайта ишлаш учун Бухорода 35 сўмдан зиёд маблағ сарфланаётганини билармикан? Билмайди. Бунга ишончимиз комил. Биз эса буни ҳар бир фуқаро билишини жуда-жуда истардик. Чунки сувдек бебаҳо неъматнинг қадрига етадиган вақт келди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

# ДЕҲҚОН МАНФААТИДА ЮРТ ОБОДЛИГИ

(Боши 1-бетда)

Унинг 3 миллиард 927 миллион сўми соф фойда. Рентабеллик 9 фоизни ташкил этди. Бу озми, кўпми? Тўғри ҳолат қиёсда кўринади. Олдинги йили вилоят пахтачиликдан 4 миллиард 498 миллион сўм зарар билан чиққанди. Бир йил ичида 4 миллиард зарардан салкам тўрт миллиард сўм фойдага ўтилди. Бу осонми? Айниқса, қишлоқ хўжалигида, қолаверса, пахтачиликдай жуда оғир соҳада.

-Пахта сифати бош масала қилиб қўйилди, - дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Тожи Бердиев, – 79,4 фоиз пахта 1 навни ташкил этди. Бу салмоқли самара. Олдинги йили бор-йўғи 59 фоиз пахта 1-навга топширилганди.

Зеро, бозор иқтисодиётининг талаби ҳам шу. Маҳсулот аъло бўлса, нархи баланд, фойда эса аниқ бўлади. Сифат кўнгилдагидек бўлса, харидор кўп, маҳсулотнинг бозори чаққон.

Вилоятдаги туманларнинг кўпчилиги ҳам пахтачиликдан фойда кўра бошлади. Сариосиё тумани пахтадан 2 миллиард 87 миллион сўм даромад қилгани ҳолда, 183 миллион сўм соф фойда кўрди. Денов тумани 4 миллиард 917 миллион сўм даромад қилиб, 626 миллион 700 минг сўм соф фойдага эришди. Бундай туманлар анчагина. Эътиборли томони, ислоҳотларнинг самараси яққол кўзга ташланмоқда. Ижарачиларга 2355 тонна пахта ёғи, 6397 тонна пахта широти, 4906 тонна шелуха тарқатилди.

Шу ўринда вилоят деҳқонларининг ғаллачиликдан муносиб наф кўраётганига ҳам тўхталмоқ жоиз.

Президентимиз ташаббуси билан дон мустақиллигига эришилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, Сурхондарё ғаллачиликда ўз мактабини яратди. 3-4 йилдирки, вилоят ғаллакорлари республикада тилга тушди. Бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

Режаларнинг бажарилиши яхши, қувонарли. Айни пайтда даромаду бурomad чўтга ташланса аҳвол қандай? Деҳқоннинг уйи буғдойга тўлаяптими? Ёки далада дон хирмону, деҳқон уйига "армон"ни қўлтиқлаб қайтаяптими? Бир пайтлар шундай эди. Ҳозир бошқача. Ғаллачилик сиёсати тўғри йўлга қўйилди: ижарачими, фермерми шартномадан ортиғи ўзиники. Деҳқон шунча кўп ва хўб манфаат кўраяптики, бу уни бутун ақли билан, жон-жаҳди билан меҳнат қилишга қайтарди. Натижада вилоят дон хирмони республикада биринчилардан бўлиб қад кўтараяпти. Ва Сурхондарё Президентимиз табрикларини олаяпти.

Кўриниб турибдики, даромад яхши. Фойда-чи? Уловидан тушови қиммат бўлиб кетаётгани йўқми? Йўқ. Аксинча, фойданинг "чўғи" тобора баландлаяпти. Ўтган йили вилоят 112 минг тонна ғаллани олдинги йилдагидан кўп ишлаб чиқарди. Бу даражада ўсиш ҳазилакам гап эмас. Ғалла хирмони 419719 тоннага етди. Даромадни қаранг, 25 миллиард 186 миллион сўмдан ошиб кетди. Соф фойда эса 4 миллиард 156 миллион сўмни ташкил этди. Муқояса қилиб кўрилса, ўсиш янада яққол аниқ бўлади. Олдинги йили соф фойда 1 миллиард 13 миллион сўм бўлган. Бир йил ичида 3 миллиард 143 миллион сўм кўп соф фойда олишга эришилаяпти. Олдинлари Сурхондарё ғаллачиликда режаларни бажаролмай, жуда катта зарар ҳисобига ишлаб, қийналиб келарди. Энди эса ундай эмас.

Ўтган йили деҳқонларга 64280 тонна ғалла натура ҳисобида берилди. Шундан 33582 тоннаси текин. Ғаллакор олдинги йилдагидан 12000 тонна кўп донни бепул олди. Бу йил деҳқоннинг омборида ғалла янада кўп бўлиши кутилмоқда. Халқда "Уйинг буғдойга тўлсин!" деган яхши гап бор. Эл ниятига етаяпти. Уйлар буғдойга тўлаяпти. Бир неча йил илгари бозорда буғдойнинг бир килоси 200-240 сўмга кўтарилиб кетганди. Икки йилдирки, тўрт фаслда ҳам, доннинг килоси 70-100 сўмдан ошмади. Дўконларда ун истаганингизча топилади. Ҳаттоки, унлар сотилмасдан туриб қолди. Ахир ҳар хонадонда тонналаб ғалла бўлса, дастурхонида оппоқ нони бўлса... Деҳқон манфаатининг қудрати юрт дастурхонини тўкин-сочин қилаяпти... Ислоҳотларнинг мақсади шу-да!

Вилоят ғаллачилигида Сариосиё туманининг алоҳида ўрни бор. Ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил олди. Туман миқёсида бу катта самарадорлик. Сариосиёдаги Й.Охунбобоев номли хўжалик 60 миллион 800 минг сўм фойда кўрди, ғаллачиликнинг ўзидан. Денов туманидаги С.Раҳимов номли хўжалик дондан 185 миллион сўм соф фойда олди. Шундай ижарачилар бўлдики, уйига 30-40 тонналаб буғдой тўкди. Бундай пайти деҳқоннинг қувонганини бирон ўлчов билан ўлчаб бўладими?!

Манфаатдорлик ўз ҳосилини бериб турибди. Бу йил вилоят 120000 гектарга пахта, 95000 гектарга ғалла экди. 345000 тонна сифатли пахта, 389500 тонна дон олиш режалаштирилганди. Ғалланинг ўзидан 29 миллиард 378 миллион сўм даромад, 4 миллиард 896 миллион сўм соф фойда кўзланмоқда. Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони боис, деҳқон қанотини кенг ва эркин ёзмоқда. Манфаатдорлик янада ошмоқда. Деҳқон буйруқдан рағбат топмайди. Деҳқон манфаатдорликдан куч-қувват олади. Бу йилнинг дастлабки ғалла хирмонлари буни кўрсатиб турибди. Ҳосилдорлик бу йил юқори.

Деҳқон қанча бойиса, юрт ҳам шунча бойийди. Бугун деҳқоннинг уйи баракага тўлаяпти. Тобора чуқурлашаётган ва жадаллашаётган ислоҳотларнинг меваси бу.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА

***Чуст туманида Швейцариянинг DAIE фирмаси ҳамкорлигида 213 иш ўрнига мўлжалланган "Чуст Голден Фрут" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.***

Бир миллион етти юз минг АҚШ долларилик замонавий ускуналар Италиянинг "ALBERTO BERTUZZI" фирмасидан келтирилди. 24 нафар ишчи, операторлик вазифасига шу ернинг ўзида ўқитилди.

Корхонада ўрик, шафтоли, нок, олхўри, олмалардан мева пюреси ва помидордан томат-пастаси қайта ишланиб, 200 килограммли махсус идишларда хорижга экспорт қилинади.

Дастлабки маҳсулотлар Россия, Полша ва Германия давлатларига жўнатила бошланди. - Маҳсулотларимизни юз фоиз хорижга экспорт қиламиз, - деди корхона бошлиғи Анвар Олимжонов. – Шу йилнинг ўзида Россиянинг "Вимм-Билл-Дан" ва "Мултон", Полшанинг "MAREX" ва Германиянинг "Konrad Yunke" фирмалари билан тўрт минг етти юз тонна маҳсулот етказиб беришга шартномалар тузганмиз.

Корхона бир кеча-кундузда 300 тонна помидор ва 200 тонна мевани қайта ишлаш қувватига эга. Бошқарув компьютерлаштирилган.

Чорвачилик учун сервитамин ем ҳисобланган мева чиқиндиси чорвадорларга арзон баҳода сотиляпти.

*"Туркистон-пресс"*



**Ёнғинга қарши кураш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Ёдингизда бўлса, ўтган йил газетамиз "Ўт қўйганнинг қўли синсин" дея бонг урган эди. Дони йиғиштириб олинган майдонларга ўт қўйиш нечоғлик зарар эканлигини одамлар, қишлоқ аҳли тушунсагина кўнгилдагидек натижаларга эришиш мумкинлиги ҳам бор гап. Шу боис бугун Паст Дарғом тумани ички ишлар бўлими ходимлари "Паст Дарғом" ширкат хўжалиги далаларида ижарачилар билан ҳамкорликда ишлашаяпти.**

**СУРАТДА: ИИБ ходимлари Отамурод Авазов, Мирзоҳид Обидов ширкат етакчиси Ҳусан Ҳайдаров билан.**

А.ҲАҚБЕРДИЕВ олган сурат.

# БИР ҚАМЧИ САБОҚ БЎЛСИН

(Боши 1-бетда)

Мавлудалар яшайдиган қишлоқ шундоқ чегара биқинида жойлашган. Нариёғи қўшни Тожикистоннинг Панжикент туманига қарайди. Ўшанда 2002 йилнинг бошлари эди. Нимадир юмуш билан кўчага чиққан Мавлуда "чегара ортида" турадиган Мақсуд исмли танишини учратиб қолди. Салом-аликдан сўнг Мақсуд (дастлабки тергов давомида унинг шахсини аниқлашнинг имкони бўлмади) у ёқ-бу ёққа аланглаб олдида, мақсадга кўчди:

-Опагинам, озроқ "гера" бор. Пул зарур, сотишим керак, нима қилдик?

Мавлуда бунақа таклифларни илгари ҳам эшитганми, бу гапдан эсанкираб қолмади. Нима қипти, ҳозир бунақа "мол"нинг бозори чаққон. Арзонроққа берса, шартта босиш керак. Харидор топилади.

Қисқаси, икки томоннинг келишувига биноан, 1,8 грамм заҳри қотил 7000 сўмга баҳоланди. Чунки, бу оғунинг бир чекими (0,01 грамм)ни минг сўмдан пулласа бўлади. Ҳозир сотиб олинган героинни эса қарийб 200 бўлакка бўлиш мумкин. Икки юз минг! Мавлуданинг кўз олдида тахламлаб турган пуллар келди-ю, вужуди жимирлаб кетди.

Нима бўлганда ҳам эҳтиёткорликни қўлдан бермаслик керак. Бунақа нарсаларни сақлашнинг ўзи бўлмайди. Атрофда дўстдан душман кўп. Шуларни мулоҳаза қилган оғуфуруш аёл героинни бўлакларга бўлди-да, келган-кетганнинг кўзи тушмайдиган жойларга яшириб чиқди. Ана энди, буёғидан кўнгли тўқ. Аммо, харидор ҳадеганда чиқавермади. Героин ўз оти билан героин-да. Туршак ёки майиз эмаски, бозорга олиб чиқиб ёйиб ўтирсанг. Бу орада Мавлуда "маҳсулот" учун мижоз топишга зимдан уриниб кўрди. Бу ҳақда унча-мунча шипшитиб ҳам қўйган шекилли, август ойининг ўрталарида қўшни қишлоқда яшайдиган, гиёҳвандлик билан анчадан бери ошно тутинган Зокир исмли йигит Мавлуданинг эшигини қоқди. Ўшанда Мавлуда Ҳизрни кўргандек, Зокир эса нажот фариштасини учратгандек қувониб кетишган бўлса, ажаб эмас. Хумор тутган пайтда гиёҳ бандаси учун бир чимдим оқ кукун чексиз хазинадай кўриниши табиий. Зокир бу сафар ҳам 0,04 грамм оғу учун тўрт мингни кўзини чирт юмиб санаб берди.

-Тез-тез келиб туринг, - деди аёл пулни мамнунлик билан чўнтагига ураркан, - керагича топиб бераверaман.

Зокир ҳам ўз навбатида "оғу"ни авайлабгина чўнтагига солди-ю, йўлига равона бўлди. Тушдан сўнг ўз қишлоғига кириб борган Зокир қарама-қарши томондан келаётган икки нафар ички ишлар ходимини кўрди-ю, оёғига титроқ югурди. Оббо, бирортаси етказганга ўхшайди. Табиийки, рўпарадаги йигитнинг шубҳали ҳаракатлари орган ходимларининг ҳам диққатини тортди. Аслида, бир йилдан буён гиёҳвандликка ўрганиб қолган Зокир анчадан бери ички ишлар ходимларининг назарига тушганди. Шу жойнинг ўзида холислар иштирокида Зокир Раҳимовдан боягина сотиб олинган 0,04 грамм миқдоридаги гиёҳвандлик моддаси олинди.

Буёғи ўз-ўзидан маълум: Зокир Раҳимов ҳам Мавлуда Маманова ҳам айни жиноят устида қўлга олинди. Мавлуданинг уйини текширувдан ўтказиш асносида "оқ ажал"нинг қолган қисми ҳам топилди. Ортиқча афсус-надомат учун ўрин қолмаганди. Фақат Амнистия тўғрисидаги Фармон иккала ҳуқуқбузарнинг жонига оро кирди. Акс ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ М.Маманова 10 йил, З.Раҳимов эса 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган бўлур эдилар. Жиноят ишлари бўйича Ургут туман судида Бекбўта Бобожонов раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида маҳкумлар суд залидан озод қилиниб, оилалари бағрига қайтишди. Шунингдек, билиб-билмай, гиёҳвандликнинг боши берк сўқмоғига кириб қолган, ҳали 27 га ҳам тўлмаган Зокирга нисбатан ЖК 96-моддасига мувофиқ тиббий йўсинда мажбурий даволаш чораларини қўллаш белгиланди.

**Иқбол ҲУМОЮН,**
**журналист.**

# СОҲИБКОР НИМА ДЕЙДИ?

***-Мустақиллик деҳқоннинг билагига куч, юрагига жўшқинлик ато этди, - дейди Урганч туманидаги Мунис Хоразмий номли ширкат хўжалигига 27 йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган Шоназар ота Юсупов.***

**МУАММО**

– Ишлайдиган замон келди. Аммо... баъзида ишга тўғаноқ бўлаётган иллатлар қалбимни ўртайди. Биргина далил айтай. Воҳада деҳқончиликни минерал ўғитсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Илгари далаларга гўнг солардик. Энди қайда? Маҳаллий ўғит хонадонларнинг ўзларидан ортмайди. Амударёнинг бўтана суви келтираётган фойдали чўкиндилар ҳам энди йўқ. Об-ҳаёт сув омборда тўпланиб, сўнгра тинитилган ҳолда далаларга оқизиляпти. Демак, мўл ҳосил олмоқчи бўлсанг ягона умид – минерал ўғитдан. Ундаям белгиланган меъёрни сақлаш керак. Масалан, бизнинг тасарруфимизда 880 гектар ер майдони бор. Ҳар йили шунинг 300 гектарига пахта, 270 гектарига озуқабоп экинлар экамиз. 310 гектар токзорларимиз бор. Ўтган йили республика идоралари томонидан хўжалигимизга соф ҳолда 210 тонна азотли, 150 тонна фосфорли ва 60 тонна калийли ўғит бериш ҳақида фонд белгиланди. Урганч туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарлари буни инобатга олишмади. Натижада бизга 110 тонна азотли, 30 тонна фосфорли ўғит беришди, холос. Солиштирсангиз бу урвоқ ҳам бўлмайди. Мен токзорда сочи оқарган одамман. Яхши биламан. Бир гектар узумзордан 150 центнерга яқин узум етиштириш учун камида соф ҳолда 250-300 килограмм азотли, 150-180 килограмм фосфорли ва 50-60 килограмм калийли ўғит талаб қилинади. Тағин узумларда учрайдиган зараркунандаларга қарши ишлатиладиган кимёвий дорилар таъминоти ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Натижада етиштирилган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди, қолгани тош босмади...

Дарҳақиқат, уста боғбон тўғри айтди. Воҳада боғдорчиликни ривожлантиришга эътибор қаратилиб, янги бозорлар барпо қилинаётган бўлса-да, муаммолар ҳам кўп. Боғ-узумзорлар учун зарур бўлган ёғоч устунлар таъминотини ҳеч ким ўйламаяпти.

Яна бир гап. Шу йилдан бошлаб фермер ва деҳқон хўжаликлари учун транш маблағи ўрнига беш фоизли кредитлар бериш йўлга қўйилади. Бу фермер учун қулай. Энди у маблағни ўз вақтида олади, керак ўрнида ишлатади. Ҳисобидаги манбага биров хўжайинлик қилмайди.

-Шу тариқа кредит беришни нафақат фермер-деҳқон хўжаликларига, балки сабзавот, мева, узумчилик каби соҳаларга ихтисослашган хўжаликлар учун ҳам жорий қилиш керак, - дейди Шоназар Юсупов. – Чунки бир қараганда, ҳар икки мулк шакли ўртасида деярли фарқ йўқ. Шу иш йўлга қўйилса, тармоқни ривожлантириш учун катта имкониятлар очган бўлардик.

Алоҳида таъкидлашни истардикки, Шоназар ака муаммолар ҳақида гапириш билан кифояланмайди. Балки уларни ҳал қилиш учун ўзи югуриб-елади. Шу боис, унинг хўжалигидан барака аримайди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ҲИМОЯ

***"Туркистон-пресс", И.Эгамқулова хабар қилади. Республика Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида Бухоро вилоятида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида" ги халқаро конвенция ҳамда "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги халқаро конвенциянинг ижросига бағишланган анжуман ўтказилди.***

**ДАВР**

Депутатлар ишчи гуруҳи томонидан вилоятда юқорида номлари зикр этилган икки халқаро конвенциянинг ижросини ўрганиш жараёнида вилоятда бу борада эришилган ютуқлар билан бир қаторда муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлиги аниқланиб, ҳар иккала конвенциялар тарғиботини вилоятнинг чекка қишлоқларида янада кучайтириш лозим деб топилди.

Болаларнинг ўқув таътиллари вақтида ҳордиқ чиқаришлари учун вилоят халқ таълими тизимида атиги 74 та дам олиш оромгоҳлари мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич жуда паст даражададир. Аксарият хўжаликлардаги дам олиш масканларидан эса бошқа мақсадларда фойдаланилаётганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, вилоят бўйича вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар камайишига қарамай, вилоятнинг айрим шаҳар-туманларида бу кўрсаткич сезиларли даражада ўсган. Мактабларни моддий-техник жиҳатдан таъминлашда ечимини топмаган айрим муаммолар мавжуд. 28 та қишлоқ мактаблари қурилиши тугалланмаган, 290 таси ёки 55 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланмаган, 113 таси ёки 21 фоизи газлашмаган. Вилоят бўйича умумтаълим мактабларининг 38 фоизида спорт заллари мавжуд эмас.

Ўсмирларни соғломлаштириш борасидаги кўрсаткичлар Когон шаҳри, Жондор, Вобкент, Қоровулбозор туманларида вилоят кўрсаткичидан паст даражада қолмоқда. Даволаш муассасаларини тиббий ускуналар билан таъминлаш борасида маҳаллий бюджет билан боғлиқ бўлмаган қатор камчиликлар бор. Туғиш ёшидаги аёллар ўртасида камқонлик, эндокрин, буйрак етишмовчилиги хасталикларига чалинган аёллар сонининг кўпайиб бораётганлиги ҳам ташвишли ҳолдир.

Бундан ташқари, вилоятда акушер-гинеколог мутахассислари билан таъминланиш қониқарли эмас, шу сабабли қишлоқ жойларида оналарнинг уйда туғиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилмоқда. Қишлоқдаги айрим даволаш муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳам талаб даражасида эмас. Айниқса, Пешку, Олот, Когон туманларида жойлашган қишлоқ врачлик масканларининг бундай ускуналар билан таъминланиши бор-йўғи 25-30 фоизни ташкил қилмоқда.

(Боши 1-бетда)

НАМАНГАН ТУМАНИ:

# ҲАРАКАТ ВА БАРАКАТ

Ташаббускор гуруҳ тузилиб, унинг "маслаҳат оши"га ҳокимни ҳам чақирган жойлари экан. Гап-сўзни обдон эшитиб, қарийб пишаёзган режа билан танишган ҳоким "маъқул" деди. 2004 йилда қурилиши мўлжалланаётган



бино бир йил бурун, тағин ҳашар йўли билан битар экан, шундай хайрли ишни қўллаб-қувватламаслик мумкинми?

Катта муаммолардан бири ғишт эди. Кўпчиликнинг ишига шундай барака кирдики, ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Эски бинонинг пойдеворидан чиққан пишиқ ғиштнинг ўзи янги мактабнинг қаддини тиклашга етаёзди. Бор-йўғи 9 минг ғишт олинди, холос.

Хўжақишлоқда, қўшни маҳаллаларда савобталаб кишилар кўп экан. Эзгу иш доим ўнгидан келади деганлари ҳақ эканини ҳаётнинг ўзи



кўрсатиб қўйди. Тумандаги ҳеч бир раҳбар савобдан бенасиб қолмади, мактабдошларнинг "командири" Бекпўлат Аҳмадалиев қурилишга "ётиб олди". Бугунги ҳотамларнинг ҳимматларига балли: қодир бўлган киши накд миллион сўмни санаб берди, биров ўн тонна цемент, бошқаси 15 жуфт эшик-дераза, талаба М.Ҳасанов уч минг, пенсионер Райимжон бува минг сўм... Номба-ном айтсак, юздан ортиқ одамнинг исм-шарифи ёзилган бўларди. Кимдир қўй сўйиб берди, кимдир ўн кило гуруч, 30-40 ҳашарчининг бир кунлик овқатини кўтарганлар, челак-челак яхна чой, айрон, қуртоб кўтариб чиққанлар...

Алқисса, мактаб беш ойга етмаган муддатда битди. Янги ўқув йилини хўжақишлоқлик 200 га яқин ўқувчи янги мактабда бошлайди. Айни кунларда сўнгги пардозлаш ишларини давом эттираётган ҳимматли ҳамқишлоқларнинг дарслик ва ўқув қуроллари хусусида ҳам ўйлаганлари бор экан.

-Шунга ўхшаган яна бир гап, - дея давом этди М.Жўраев. – "Хонобод" ширкат хўжалигида Аҳмаджон ота Болтаев деган мўйсафид фермеримиз бор. Ишлари доим "беш", даромад жойида, унча-мунча пулни пул ҳисобига қўшмайди. Шу одам болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 300 минг сўм берди, йил охиригача яна 700 минг сўм бераман, деб олдимга кириб келди.

Ҳокимни тўлқинлантирган А.Болтабоев даланинг "академиги" деса бўладиган миришкорлардан. Илгари Наманган туманида шундай аллома деҳқонлар бўлишган, ҳатто вилоят раҳбарлари ҳам ёнларида олиб юриб, пайкал оралаганлар. Негаки, улар шу қадар билгич инсонлар эдиларки, даланинг саратондаги рафторидан мезондаги ҳосил чўғини чамалай олишарди. Бугун, эртага, индинга нима лозим – айтиб, кўрсатиб берсалар, тўппа-тўғри чиқаверарди. Ёши етмишдан ошган Жонибек ака Умаралиев ана ўша раҳматли устозлардан сабоқ олган "кенжа" вакил. Унинг айтишича, осмоннинг тарозиси Яратганнинг қўлида, тошини ростлаб туради. Яъни, табиат нимаики олган бўлса, бермай қўймайди, ўз хатосини ўзи тузатади.

-Меҳрибон Парвардигор бандасига жабр қилмайди-да, - дейди Жонибек ака. – Башорат қилаётганим йўқ, аммо кўрасиз ҳали, бу йилги ғўза серкўсак бўлади.

Мени ишонмади деб ўйлаган кекса суҳбатдошим астойдил исботлашга тушди:

-Кўклам эрта келган йиллари июл ойига бориб, ҳосил тугунчалари тўкилишини кўп кузатдим. Бунақанги баҳор кечикиб чўзилганда эса ғўза бақувват бўлиб, кўнгилдагидай шохлайди. Деҳқон бу йил омилкор бўлиши, чуқур ишлов бериши, ерни озуқадан қисмаслиги лозим.

Гапнинг нафсиламбрини айтганда, ўсимлик ривожидаги бир-икки ҳафта кечикиш, фойдали ҳарорат унинг танаси ва илдизига кам етиб боргани сабаб, деҳқон кўнгли жиндай ташвишлироқ. Энди Жонибек акадай кекса деҳқонларнинг тажрибаси қўл келади, сўзлари далда ва мадор бўлади.

Аслида Наманган тумани ерларини худо ёрлақаган: тупроқ унумдор, сув бор. Аммо пайкаллар вилоят марказидаги "дом"ларнинг тубигача боради, деҳқончилик шаҳар ҳаётига уйқашиб кетган. Боз устига шаҳар астойдил "юриш" қилиб, пахтазор ва ғаллазорлар ўрнини турар-жой мавзелари эгаллаб бормоқда. Давримизга хос урбанизация жараёнининг қонунияти шундай, биз бундан "лекин" ясамоқчи эмасмиз. Фақат ёшларни далада ушлаб қолиш, уларнинг қўлига кетмон ёки трактор тутқазиш осон кечаётгани йўқ. Негаки, қўл узатса етгудай жойда шаҳар чироқлари, фавворалар муҳити, саноат ва савдо уларни имлагани-имлаган.



Аммо, 5640 гектар майдондан уюладиган 22400 тонналик пахта хирмонининг юки йигит-қизлар зиммасига тушаётгани кўриниб турибди ва беихтиёр тан берасизки, бугунги ёшлар жуда ҳам биз ўйлаганчалик сояпарвар, ҳавойи эмас. Уларнинг орасида шундай азаматлар борки, қишлоғининг тупроқ билқиган тор кўчасини билинг шаҳарга алишмайди. Шаҳарга "девордармиён" "Навбаҳор", "Ижодкор", "Хонобод", "Зарбдор", "Соҳибкор", "Ғайрат", Қозоқжон Солиев номли ширкат хўжаликлари ҳаракатидаги баракат, салмоқ ва сифатни айни ана шу фидойилик билан изоҳлаш ўринлидир. Чунки бу хўжаликларда асосан ёшлар меҳнат қиладилар ва бу йилгидай ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам "Навбаҳор"да 20 июн куни ғўза гул кўрсатди. Ҳамонки, шундай экан, ёшлар ҳақида жиддий ғамхўрлик лозим.

Тошбулоқнинг катта стадионида ҳокимнинг биринчи ўринбосари Тоштемир Боқиев билан учрашиб қолдик.

-Ёшларни ўйламаган ҳар қандай раҳбар доғда қолади, - дейди у. – Бу борада барчамиз Юртбошимиз тутаётган йўлдан боришимиз, ёшларга муносабат масаласида у кишидан андоза олишимиз керак.

Биринчи ўринбосарнинг айтишича, мавжуд 150 дала шийпонининг барчасида, машина-трактор саройларида, марказий МТПда, фермаларда махсус майдонлар жиҳозланган. Спортнинг ўнга яқин тури билан шуғулланиш учун имконият бор.

"Навбаҳор" ширкат хўжалигида буни ўз кўзимиз билан кўрдик. Дала йўлининг ўнг тарафида қатор жойлашган 6, 7, 8, 9-бош пудрат шийпонларини фақат ҳавас қиласиз. Шуниси борки, уларнинг бари катта ариқ ёқасида, сўлимлиги билан санаторийдан кам эмас. Тўққизинчи бош пудратга оқсоқолларни чорлашибди, улар ғалла ҳосилига барака тилаб, дуо қилдилар. Ундан сўнг бўлган волейбол мусобақасида пудратчи ғаллакорлар идорадан келган хўжалик фаолларини аяб ўтирмадилар – ҳисоб – 3:1. Касабақўм раиси Аббосхон Акбаров ўтган ҳафтада футбол бўйича Юсуфжон Усмонов (уста пахтакор ўтган) хотира турнири якунланганини айтиб берди. Шуниси эсда қоларлики, беллашувда мутлақо чемпионлик раҳматли Юсуфжон отанинг ўғли Маматхон Усмонов худди ўша қиблагоҳидан қолган далада етакчилик қилаётган бош пудратчи аъзоларига насиб этибди.

"Навбаҳор"нинг ишлари ёмон эмас, ўтган йили пахта ҳосилдорлиги 40 центнердан ошди. Ғаллакорлар 160 тонна натура ҳолида мукофот олишди. Хўжалик ҳисобидан 1,5 чақирим газ тармоғи тортилган, 30-мактабнинг спорт зали капитал таъмирланяпти ва ҳоказо.



-Иш кўп, ҳаммаси бирдай муҳим, - дейди раис Икромжон Сатторов. – Бироқ шу кунда ғалла ўрим-йиғимининг масъулияти катта, тоши вазмин. Чунки, 371 гектар майдондан қарийб 55 центнердан буғдой олиш режамиз бор.

Раис ҳақ. Шунингдек, ташвишлари ширин эканини ўзи ҳам яхши билади, ҳосил чўғи аллақачон кўнгилларни тўлдириб бўлган. "Навбаҳор"лик пудратчилар орасида биринчи бўлиб Адҳам Холбоев ва Абдуғаффор Умаров парваришлаган пайкалларга ўроқ тушди. Натижа яхши: 65-



68 центнердан ҳосил олиндики, икков камида 5 тоннадан буғдойга ҳақдор бўлишди. Хўжалик бўйича эса бу борадаги кўрсаткични сарҳисобда ўтган йилги 160 ўрнига 180 тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

2002 йили туманда шартнома режасини уддалагач, 25 тоннагача ғалла олган пудратчилар бўлди. Умуман эса халққа 11 минг тонна дон берилганди. Жорий йилдаги ният буни камида 12 минг тоннага етказиш. Ҳисоб-китоб аниқ: далада шунга яраша ҳосил бор. Майнинг йигирманчи кунидаёқ ўримолди техник кўриги ўтди. 39 комбайн (шундан 9 таси "Кейс"), 90 юк автомобили, 120 та транспорт трактори, 30 та сомон ташигич, барча юклагич ва тозалагичлар барвақт шайлаб қўйилди. Ўшанда олти нафар пешқадам комбайнчи 800-900 гектардан ғалла ўриб беришга аҳд қилди. Мамажон Иномов ва Аҳмадилло Муҳиддиновларнинг экипажи икки сменада 40 гектаргача ғалла ўрмоқда. Бу икки азамат "Кейс" бункеридан 6000 тонна дон тўкишни ният қилишган.

Икки оғиз чорва ҳақида. Тумандаги Қозоқжон Солиев номли ширкат хўжалиги чорвадорлари ўтган йили яхши меҳнат қилишди. Ҳар бир литр сутнинг таннархи 112 сўм бўлди, жорий йилда бу кўрсаткич яна ҳам пастлаб, 100 сўмга тушди. Чорванинг бедазорига (36 гектар) ҳеч ким дахл қилаётгани йўқ. Қишловдан 270 тонна силосни орттирган хўжалик бир қисмини сотиб, уруғлик олди, яна беда экди. Бирор сигир харажат қилинмай, 460 бош қорамол боқилмоқда.

Бу сўзлардан мақсад қуруқ мақтов эмас. Гапнинг индаллоси шуки, манаман деган раисларнинг жамоаси чорвадан фақат зиён кўраётган кунда бу ерда 4 миллион сўмдан зиёд фойда чиқди. Бу рақам жорий йилнинг 5 ойида эса 1,5 миллион сўмга яқинлаб қолди.

Бир пайтлар Наманган тумани "илғор тажрибалар мактаби" дея тилга олинарди. Ўша тажрибалар бугун ҳам қўл келмоқда. Уруғ танлаш, маҳаллий ўғитдан фойдаланиш, меҳнатни ташкил этиш ҳақидаги далил ва рақамларни яна кўплаб келтириш мумкин. Дарвоқе, вилоятнинг барча ғаллакорлари яқинда Қозоқжон Солиев номли ширкат хўжалигига тўпланиб, ўрим кампаниясидаги юмушлар хусусида муфассал маслаҳатлашиб олдилар. Шу ҳол ҳам туман деҳқонлари меҳнати ва омилкорлигининг ўзига хос эътирофидир.

Далаларда комбайнлар тобора кучлироқ наъра тортмоқда. Кети кўринмас карвонга ўттиз минг тонналик туман ғалласи ортилган. Уни зафар марраси сари Бободеҳқон бошлаб боради. Йўллари ҳуррият офтобидан доим чароғон. Деҳқонлар пири саломимизга алик олади.

-Хирмонингизга барака, - деймиз.

-Умрингизга барака, - дейди мўйсафид.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**Акромжон АКБАРОВ олган суратлар.**

"АГРОХОРИЖТЕХНИКА":

# ИШЛАТДИНГИЗМИ, ҲАҚИМИЗНИ БЕРИНГ

***Мамлакатимизнинг энг шимолий ҳудуди Қорақалпоғистонда барвақт экилган майдонлардаги ғалла ўрими давом этмоқда. Эндиги вазифа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига қатъий амал қилиб, ризқ-рўзимиз – ғаллани қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиш, қабул пунктларига нес-нобуд қилмасдан топширишдан иборатдир.***

ИДДАО

Бу масъулиятли ишни бажаришда Қорақалпоғистон Республикаси "Агрохорижтехника" ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам салмоқли ҳисса қўшади. Бирлашмада бу йил 50 минг гектардаги буғдойни ўриб беришга пухта ҳозирлик кўрилди. Жумладан, 144 дона "Класс", 12 та "Нью-Холланд" русумли, жами 166 дона комбайнлар далада. Яна бир қувонарли жиҳати, Япония давлати билан тузилган шартномага биноан, кунчиқар мамлакатдан беғараз ёрдам тариқасида 22 та "Класс" русумли комбайнлар келтирилди. Ана шу қудратли техникаларнинг тинимсиз, серунум ишлашини таъминлаш мақсадида 7 та махсус гуруҳлар ташкил этилди. Мазкур гуруҳлар, ўрим пайтида зарур бўлганда тезкор техник ёрдам кўрсатадилар. Шунингдек, Германиянинг "Класс" фирмасидан 100 минг Евро миқдоридаги эҳтиёт қисмларнинг келтирилганлиги айни муддао бўлди. Бундан ташқари, ушбу фирма яна 200 минг Евро миқдорига тенг зарур эҳтиёт қисмларни етказиб бериш бўйича ҳам шартнома имзолаган.

Бирлашманинг қудратли техникалари моҳир операторлар бошқарувида кўп йиллардан буён қўшни вилоятларда ҳам ғалла ўрим-йиғимида фаол иштирок этмоқда. Бу анъана амалдаги йилда ҳам давом этиб, Қашқадарё вилоятига 20 та, Жиззах вилоятига 6 та комбайнлар хизмат кўрсатиш учун етиб борди. Ҳар бир техникага учтадан ҳайдовчи бириктилган. Хизмат ҳақи эса тузилган шартномага асосан тўланади.

-Қорақалпоғистон Республикаси "Агрохорижтехника"сининг хизматини бундан-да яхшироқ, баракалироқ олиб бориш мумкин эди, -дейди ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси Мурод Бекдурдиев. – Аммо, бажарилган ишлар учун қарзларни вақтида тўлаш борасидаги қатор муаммолар ўз ечимини топмаяпти. Масалан, шартнома асосида кўрсатган хизматларимиз учун Қорақалпоғистон хўжаликлари салкам 750 миллион, Жиззах вилояти 347, Сирдарё вилояти 142, Сурхондарё вилояти 79 миллион сўм қарздор. Ана шу қарзлар вақтида узилганда эди, қўшимча техникалар, эҳтиёт қисмларни сотиб олиб, бирлашмамиз хизмат кўламини янада кенгайтирган бўлар эдик.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Ангрендаги Тошкент вилояти давлат педагогика институти томонидан 1991 йили № 7225 қайд рақами билан Кульбаева Гульнара Егамбердиевнага берилган МВ-I 054786-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги социал-таъминот техникуми томонидан 1985 йили № 3Т-1 қайд рақами билан Юнусов Муҳиддин Позиловичга берилган № 871740-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб томонидан 1992 йили Муҳамедназаров Хикматулла Хамидуллаевичга берилган А № 035542 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент юридик коллежи томонидан 2002 йилда Рахметова Малика Нуритдиновна номига берилган №К 016675 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан 2002 йил 27 декабрда якка тартибдаги тадбиркор Азимов Ҳамидулла Убайдуллаевичга берилган №1019706 рақамли патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.




# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## БУШ: АСКАРЛАР ИРОҚДАН ОЛИБ ЧИҚИЛМАЙДИ

***АҚШ Президенти Жорж Буш Ироқда демократик тузум ўрнатилишига ишонишини, шунингдек, бу мамлакатда турган Америка аскарларига хуфёна уюштирилаётган ҳужумларга қарамасдан қўшинлар олиб чиқиб кетилмаслигини маълум қилди.***



Унинг айтишича, Ироқ озодлигини кўролмайдиган кучлар бор. Айрим туманларда эса собиқ Баас партиясининг аъзолари хавф туғдирмоқдалар. Лекин Ироқдаги барқарорлик ва қонун устуворлигига соя солганлар сўзсиз йўқ қилинадилар.

Кузатувчиларнинг фикрича, 1 май куни Жорж Буш томонидан Ироқдаги ҳарбий операциялар тугатилганлиги расман эълон қилинган бўлса-да, ҳозирга қадар Америка аскарларидан йўқотишлар кузатилмоқда. Кеча эса 250 кишилик поляк ҳарбийлари Ироққа келтирилган, дея хабарини якунлайди "CNN" агентлиги.

## ГУРУҲ БОШЛИҒИ ЎЛДИРИБ КЕТИЛДИ

***"Ассошиэйтед Пресс" агентлигининг хабар беришича, Тикрит шаҳрида Саддам Ҳусайн гуруҳига бошчилик қилган Абдулло Маҳмуд ал-Хаттоб ўлдириб кетилган.***



Маълумотларга кўра, номаълум кишилар у кетаётган автомобилга ҳужум қилганлар. Натижада ал-Хаттобдан ташқари унинг ўғли жароҳатланган. Тикрит шаҳри губернатори ал-Жабурининг айтишича, 35 йил давомида Саддам Ҳусайннинг энг яқин кишиларидан бири бўлган Абдулло Маҳмуд март ойида Америка аскарлари Ироққа уруш бошлаганларидан сўнг, у ошкора тарзда ўз раҳбаридан юз ўгирган эди. Губернаторнинг фикрича, одамлар орасида унга душман бўлганлар ёки собиқ тузум даврида ал-Хаттобдан жабр кўрган кишилар ундан қасд олиш ниятида бу ишга қўл урган бўлишлари мумкин. Ҳозирча қотилликда гумон этилиб ҳеч ким ҳибсга олинмаган.

## ЯҚИН ШАРҚ: БОШ ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ

***ХАМАС, ФАТХ, Ислом жиҳоди ташкилотлари Исроилга қарши уч ой давомида уруш қилмасликка розилик билдирганларидан сўнг, ушбу ҳафта аввалида Ғазо секторининг марказий ва шимолий қисмларининг назорати исроилликлардан фаластинликларга берилган эди.***



Кеча эса Исроил армияси Вифлеем шаҳрини ҳам тарк этган. Куни кеча Қуддус шаҳрида Исроил ва Фаластин бош вазирлари Ариэл Шарон ҳамда Маҳмуд Аббослар ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида ҳам тинчликка эришиш борасида ижобий фикрлар билдирилган. Хусусан, Ариэл Шарон тинчлик йўлида ён беришларга тайёрлигини, лекин терроризм билан муросасиз курашишини билдирган. Шунингдек, Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофатга Ғазо секторида эркин ҳаракатланишга рухсат берилишини ҳам айтган.

## ЯНГИ ПОЛИГОН

***АҚШ Марказий разведка бошқармаси маълумотларига кўра, Шимолий Корея Йонгдоктонг туманида янги ядровий полигон қурган, дея ёзади "New York Times" газетаси.***



Сунъий йўлдош орқали олинган манбаларга кўра, полигон янги лойиҳа устида ишлаш учун барпо этилган. Тахминларга кўра, ядровий қурол яратиш ва ракета дастурларини бирлаштириш ниятида бўлган Пхеньян яқин ва олис масофага учувчи ракеталарга мўлжалланган биринчи ядро зарядига бир йил давомида эга бўлади. Разведка хизматининг фикрича, Шимолий Корея ҳарбийлари кичик ҳажмдаги ядровий зарядлар ўрнатилган ракеталарни Япония ҳудудига, хусусан, Окинава оролидаги АҚШ базасига қарши йўналтиришлари мумкин. Бундай маълумотлар билан ҳозирда расмий Токио ва Сеул, Вашингтон томонидан огоҳлантирилган.

## СИЧҚОНЛАР ЕР СИЛКИНИШИНИ СЕЗАДИЛАРМИ?

***Япон олимлари сичқонлар ер қимирлашини олдиндан сезадилар, деган хулосага келдилар, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.***



Тадқиқотларга раҳбарлик қилган Осака университети профессори Такеши Яганинг айтишича, табиий офат олдидан сичқонлар асабийлаша бошлайдилар, қафас ичида югуришлари ҳамда панжалари билан юзларини беркитиб олишлари кузатилади. Профессорнинг бундай тадқиқот ўтказишига 1995 йили лаборатория хонасида ишлаётган вақтида қафасдаги сичқоннинг асабийлашишини кўргани сабабчи бўлган. Боиси, эртасига, яъни 17 январ куни Кобада 7,3 балли ер қимирлаши юз бериб, 6433 киши ҳалок бўлган эди. "Албатта бизнинг хулосаларимиз якуний эмас. Ҳали бу борада кўп ишлашимиз лозим. Лекин ҳайвонлар ва ер силкиниши ўртасида боғлиқлик борлигини биринчи бўлиб биз исботлашга уриндик", дея айтган профессор.

## 124 КИШИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

***Саудия Арабистони ҳукумати май ойи бошида мамлакат пойтахти Ар-Риёд шаҳрида юз берган террор актларидан буён ҳозирга қадар 124 киши "Ал-Қоида" ташкилотига алоқадорликда гумон этилиб, ҳибсга олинганлигини маълум қилди.***



Саудия ички ишлар вазири шаҳзода Найёфнинг айтишича, улар орасида келиб чиқиши афғонистонлик бўлган шахслар ҳам бор. Ўтган ой охирида эса расмий Теҳрон ўз қамоқхоналарида сақланаётган саудиялик фуқароларни Ар-Риёд ихтиёрига берилишини айтган эди. Саудия эса улар орасида террор актида қатнашган кишилар бор, деган фикрда. Ўшандаги портлашлар туфайли 35 киши ҳаётдан кўз юмган эди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

